

**Муайян ов қилиш жойларида ов қилиш учун тақиқ  
белгиланганлиги**

Ўзбекистон овчи ва балиқчилар спорт бирлашмаси тизими буйича жами 38 овчилик-балиқчилик хўжаликлари мавжуд бўлиб, уларнинг умумий ов қилиш учун бириктирилган ҳудуди 695334,77 гектарни ташкил этади. Ҳар бир овчилик-балиқчилик хўжаликлари ҳудудининг **10 фоиз** қисми ов қилиш учун ёпиқ бўлган, ёввойи ҳайвонларни такрор кўпайтириш участкаси қилиб белгиланган. Бу участкаларда ов қилиш тақиқланади.

т/р	Ов қилиш учун тақиқланган жойлар
1	аҳоли пунктларининг ерлари;
2	соғломлаштириш, рекреация ва тарихий-маданий мақсадга мўлжалланган ерлар;
3	муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар, агар уларнинг режимида ов қилиш назарда тутилмаган бўлса;
4	шаҳарлар атрофидаги яшил зоналар;
5	корхоналарнинг санитария-ҳимоя зоналари;
6	сув олиш иншоотларининг ҳимоя зоналари;
7	аэродромлар; темир йўлларнинг ҳимоя зоналари;
8	чегара олди минтақаси;
9	ҳосил йиғиштириб олингунига қадар қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар;
10	тўғонлар, сув айиргичлар, кўприклар ёнидаги, балиқчилик питомниклари, ҳовуз хўжаликлари ва бошқа маданий балиқчилик хўжаликлари чегараларидаги участкалар, агар ушбу объектларни муҳофаза қилиш режимида ов қилишга доир тақиқ назарда тутилган бўлса.

2022 йил 1 апрель ҳолатига